## Сизга шеър айтгим келди

### ОНАЖОН

Сиздек доно аёл кўркдир жаҳонга,
Сиздек она насиб этсин ҳар бир инсонга,
Ўзингизни бахш этдингиз меҳнату шонга,
Иззат-икром қучсин сизни, азиз онажон!

Сиз кулсангиз олам кулар, уйга файз тўлар,
Табассумли юзингиздан нурлар ёғилар,
Сўзингиздан жамбил, райҳон ислари келар,
Иззат-икром қучсин сизни, азиз онажон!

Келин-қизлар гул ҳаётни сиздан ўргансин,
Матонатни ҳам саботни сиздан ўргансин,
Диёнатни, садоқатни сиздан ўргансин,
Иззат-икром қучсин сизни, азиз онажон!

### ҚАРОЛМАЙМАН

Сени жондан севармано, кўзларингга қаролмайман,
Нигоҳимни таманноли изларингдан ололмайман,
Ҳеч бўлмаса шаббодадай, сочларингни торолмайман,
Осмондаги қуёшдурсан, яқинингга боролмайман.

Малаксиймо фариштасан, жозибасан, нурчеҳрасан,
Юлдузларга дугонасан, ойнинг қизи — ҳурчеҳрасан,
Чиройингга шайдодурман, кўлим етмас гулчеҳрасан,
Осмондаги қуёшдурсан, яқинингга боролмайман.

Умид билан йўлларингга кўз тикаман, термуламан.
Парвонадек атрофингда айланаман, ўргуламан,
Лутф айласанг, жондан кечиб, санам сенга қул бўламан,
Осмондаги қуёшдурсан, яқинингга боролмайман...

**Шерматжон САТТОРОВ,**
**Андижон.**



## МЎЙҚАЛАМ-ЛА ЯРАТИЛАЁТГАН МЎЪЖИЗА

**Йиллар армонию қувончларини ортмоқлаб яшаётган, тақдирнинг не-не тўфонларию сир-синоатларига дош бериб, қаддини баланд тутиб мозийдан сўзлагувчи биноларга, тарихий обидаларга эътибор берганмисиз? Йиллар, асрлар ўтса ҳамки улардаги нақшлар, ганчлар ўз жозибасини йўқотмаган. Гўзал ва бетакрор. Бунда наманганлик ганчкор уста Мадаминжон ака Хусаиновнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Негаки, отахон йиллар давомида ўзининг мўъжизакор мўйқалами билан не-не тарихий обидалар нақшларига қайта умр бағишламади, дейсиз. Айни кунларда ҳам у вилоятдаги тарихий обидалар таъмири билан машғул.**

**СУРАТДА:** ***республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Мадаминжон Ҳусаинов.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ЁШЛАР ВАТАН ҲАҚИДА КУЙЛАЙДИ

Урганчдаги Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театри саҳнаси икки кун давомида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ихтиёрида бўлди. Бу ерда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув муассасалари ўртасида ўтказилаётган "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

— 14 та бадиий ҳаваскорлик жамоаси таркибида 440 нафар ёш санъат шайдоси — "Қўшиқ байрами"нинг Қорақалпоғистон, пойтахт ва барча вилоятларда ўтказилган аввалги босқичлари ғолиблари бор, — деди кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати раиси М.Лафасов. — Замонавий эстрада қўшиқлари билан бир қаторда мураккаб халқ ашулалари янгради. Танловнинг кўпгина қатнашчилари юқори ижро маҳоратини намойиш этди.

Урганч шаҳри автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежининг "Жайхун" бадиий жамоаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

**Т. ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТВ қаршисида

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон телевидениесининг Ёшлар телеканалида қатор янги кўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда. Шулардан бири «Заковат» телеўйини қисқа фурсатда ёшларнинг севимли кўрсатувига айланиб улгурди. Биз кўрсатув бошловчиси Абдурасул АБДУЛЛАЕВни суҳбатга тортдик.

# «ЗАКОВАТ»НИ КЎРАСИЗМИ?

**— «Заковат» телеўйини қандай пайдо бўлди? Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтсангиз...**

— Ёшлигимда Россиянинг ҳозирги ОРТ каналидаги «Что? Где? Когда?» кўрсатувини томоша қилиб, ҳавасим келарди. Мана, тақдирда бор экан, телевидениеда ишлаш насиб этди. Мутасаддилар билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, кўрсатув тайёрлашга киришдик. ЎзМУ ректори Тўрабек Долимов кўрсатувга ҳомийлик қилишга розилик билдирди. Университет талабаларининг 1000 нафари орасидан 6-7 нафари танлаб олинди. Икки ой тайёргарликдан сўнг 2001 йил 25 март куни илк кўрсатув томошабинларга тақдим этилди.

Телевидениенинг роли ортаётган бир пайтда «Заковат»га ўхшаган томошалар жуда муҳим, деб ўйлайман. Чунки ҳозир кўпгина ёшларимиз китоб ўқишдан кўра видео қаршисида соатлаб ўтиришни афзал билишади. Дийдани қотирадиган ур-йиқит фильмлардан кўра уларни яхши кўрсатувларга жалб этиш керак.

«Заковат»га келаётган хатлар мухлисларимиз тобора кўпаяётганлигидан далолат беради. Дастуримиз орқали ёшларнинг қалбига ўт ёқолсак, уларнинг ўзи оқиб келади, деб ўйлагандик. Ҳақиқатда, шундай бўлди. Ҳозирда юзлаб ёшлар телеўйинда иштирок этиш истагини билдириб, мурожаат қилишади. Кейинги жамоалар шу алфозда йиғилади.

Кўрсатув моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мухлислар эътиборини қозонган экан, демак, биз мақсадимизнинг бир қисмига эриша олдик. Аммо, унинг савиясини ошириш учун ҳали кўп изланишимиз, биринчи навбатда кўрсатув дизайнини тубдан ўзгартиришимиз лозим. Вақти келиб бунга ҳам эришамиз, албатта.

**— Назаримда, «Заковат» юқорида ўзингиз тилга олган Россиянинг ОРТ каналида намойиш этилаётган «Что? Где? Когда?» кўрсатувига ўхшаб қолгандай туюлади. Бу ҳақда нима дейсиз?**

— Ўзимга ҳам кўрсатувни айнан такрорлабсиз, ўхшаб қолибди, деган фикрларни кўп бора айтишди. Бу фикрлар унчалик тўғри эмас. Чунки билимдонлар ўз юртимизнинг зукко ёшлари. Қолаверса, кўрсатув қайси телевидениеники бўлмасин, иқтидорли ёшларнинг шаклланишига хизмат қилар экан, бу фақат фойда келтиради.

**Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири Муфтилла ЮСУПОВ ёзиб олди.**

## Осиё ўйинлари олдидан



# КАРАТЭЧИЛАР ПУСАННИ КЎЗЛАШЯПТИ

Маълумки, шу йилнинг кузида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида навбатдаги Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Ва у қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаси саналади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон спортчилари мазкур беллашувларга жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Айни кунларда ташкил этилаётган республика чемпионатлари ғолиблари орасидан мамлакат терма жамоаси шакллантирилади. Каратэ миллий федерацияси раҳбарлари ва мураббийлар ана шундай саралашни деярли ниҳоясига етказишди.

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида 16 та жамоанинг 150 дан ошиқ вакиллари иштирок этишди. Айниқса, 60 килограмм вазн тоифасида энг кўп — 17 нафар каратэчи татамида беллашди. Уларнинг энг чаққони, энг эпчил ва чайири олтин медалга сазовар бўлди. Демак, 2002 йилги чемпионлар билан танишинг: Отабек Қосимов, Илҳом Каримов, Умид Ҳакимов, Фарҳод Аҳмедов, Илҳом Бўронов, Жасур Жамилов, Азаматали Қаландаров, Нина Назарова ва София Каспулатова.

Тилга олинган бу спортчилар аллақачон халқаро майдонда ўзини танитиб улгуришган. Жумладан, Отабек ва Илҳом ёшлар ўртасидаги жаҳон кубоги соҳиби ҳисобланишади. 3-Дан қора белбоғ эгаси бўлган Азаматали эса қатор турнирлар ғолиблигини қўлга киритган. Қарийб беш йилдан бери ҳеч қайси халқаро мусобақадан медалсиз қайтмаётган оқ кийимли спортчиларимиз олис Пусанда ҳам халқимизга хос мардлик ва тантиликни намойиш этишади, деган умиддамиз.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

«SAHAD UL» масъулияти чекланган жамияти, ОКПО коди 18027896

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ТЕЛЕФОН: 42-50-06

## Божхона бекати

# АЙЛАНМА ЙЎЛДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР

Давлат божхона қўмитаси томонидан республика иқтисодий хафсизлигини таъминлаш, контрабанда товарлари келтирилишининг олдини олиш ва давлат бюджетига божхона тўловларини тўлиқ ундириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Натижада июнь ойининг дастлабки йигирма кунида 310 дан ортиқ божхона қоидалари бузилиши ҳолати аниқланиб, яширин равишда, яъни тегишли божхона тўловлари тўланмасдан олиб келинаётган 320 миллион сўмдан кўпроқ халқ истеъмол товарлари ушлаб қолинди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қонунни бузувчилар, яъни божхона масканига мурожаат этмасдан, божхона юк баённомасини расмийлаштирмасдан маҳсулот олиб ўтишга уринувчилар асосан айланма дала йўллари орқали республикамизга кириб келишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам Давлат божхона қўмитасида ташкил этилган тезкор гуруҳ ходимлари мана шундай ўғринча йўлларни туну-кун назоратга олганлар. Натижада тезкор гуруҳ томонидан ўтказилган тадбир давомида Тошкент туманидаги дала йўллари орқали тунги соат 4 да ҳеч қандай рухсатсиз, чегарадан ноқонуний ўтмоқчи бўлган Туйғун Темиров бошқарувидаги Газ-53 русумли автомашина тўхтатиб қолинди. Унинг юкхонасига 22 миллион сўмлик турли хилдаги халқ истеъмоли моллари, кийим-кечаклар ортилгани аниқланди.

Божхоначилар томонидан ўтказилган яна бир тезкор тадбир натижасида Чиноз туманида яшовчи Нусрадил Хасратов бошқарувидаги КамАЗ русумли автомашина тўхтатилди. Ҳайдовчи бекорга тунда йўлга чиқмаган экан. Машинаси юкхонасига Замира Ориповага тегишли 20 миллион сўмлик чет элларда ишлаб чиқарилган халқ истеъмол товарлари юкланган экан. Аслида ушбу шахслар барча юкларини қонуний равишда расмийлаштириб, сўнгра бемалол савдо-сотиқ қилишлари мумкин эди. Лекин, улар давлат хазинасига ундирилиши шарт бўлган маблағни тўлашдан бош тортган ҳолда божхона қоидаларига зид равишда иш тутдилар. Шунинг учун ҳам ушбу ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Яна бир мисол. Қўмитанинг контрабанда қоидалари бузилишига қарши кураш бошқармаси қошида тузилган тезкор гуруҳ ходимлари Тошкент тумани «Чувалачи» маҳалласидаги айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикаси ҳудудидан республикамизга кириб келаётган иккита «Газ-53» русумли автомашинани қўлга олишди. Автомашиналар юкхонасига ҳеч қандай ҳужжатсиз 111 миллион 679 минг 500 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган кийим-кечак, газмол, пойабзал ҳамда дори-дармонлар ортилгани аниқланди. Ҳозирги пайтда ушбу ҳолат юзасидан ҳам суриштирув ва тезкор-қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, айни пайтда барча дала ва сўқмоқ йўллар назоратга олинган. Шунинг учун ҳам юк олиб ўтмоқчи бўлганлар қонуний равишда иш тутганлари маъқул.

**А. ТИЛОВОВ,**
**республика Давлат божхона қўмитаси матбуот бўлими бошлиғи.**

## САВОЛ БИЗДАН...

**Қаҳва, какао ва шакарқамиш етиштириладиган бу мамлакат ҳудудида тропик ўрмонлар ястанган. Бу ерда ҳар йили оламга донғи кетган карнаваллар ўтказилади. Гап қайси мамлакат ҳақида кетяпти?**

***Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:*** Янги Гвинея – Папуа давлати Австралия қитъасида жойлашган.

Бу ҳақда тошкентлик Қобилбек Каримбеков ва Зуҳро Файзуллаева хабар беришди.

136-35-60

QUICK STOP
GROUP OF COS.

НАМ БУМ

«QUICK STOP PAPER MILL»
«НАМБУМ» ЛТД .ҚК

Ўрамли, кенглиги 84 см. ва 42 см. бўлган юқори сифатли ксерокс ва офсет қоғози ишлаб чиқаради ва сотади.
Ҳар бир боғламда 500 варақдан бўлган А-3, А-4 ўлчамли, зичлиги 80 гр./$м^2$ қоғозлар:
А-3 — 8400 сўм, А-4 — 4200 сўм.
Шунингдек, ўқувчилар дафтарларини ишлаб чиқаради ва 1 донасини 45 сўмдан сотади.
**Маҳсулотларимизни харид қилинг, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчисини қўллаб-қувватланг!**

**Манзиллар:**
Наманган шаҳри, «Курувчилар» кўчаси, 50-уй.
Телефон: (369 22) 2-14-83, факс: (369 22) 2-69-35.
Тошкент шаҳри, Маҳатма Ганди кўчаси, 44-уй.
Телефон: 132-02-22, факс: 136-30-37.
**Омбор манзили:**
Тошкент шаҳри, «Проектная» кўчаси, 44-уй.
Телефон: 79-74-04, факс: 79-79-91.

5982/1362

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК
"Lok Kolor Sintez" QK
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА
Лак-бўёқ маҳсулотлари
таклиф этади:
Тўлов – пул ўтказиш йўли билан.

Қурилиш эҳтиёжлари учун:
✓ уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
✓ ташқи деворлар учун бўёқлар;
✓ том учун бўёқлар;
✓ алкид ва акрилат эмаллари;
✓ полларни бўяш учун бўёқлар;
✓ ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
✓ грунтовка ва шпатлевкалар;
✓ L 80, 100, 120мм.ли михлар;
✓ эмульсиявий, силикатли елим.

Саноат эҳтиёжлари учун:
✓ универсал алкид бўёқлари;
✓ том учун бўёқлар;
✓ алкид-уретан эмаллари;
✓ акрилат эмаллари;
✓ грунтовка ва шпатлевкалар.

Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари
иш кийимлари:
• узун енгли эркаклар иш костюми;
• калта енгли эркаклар иш костюми;
• эркаклар ярим комбинезони;
• аёллар ярим комбинезони;
• аёллар иш бермудалари;
• аёллар иш фартуклари;
• эркаклар учун иссиқ иш курткалари;
• йўл хизмати ходимлари жилети;
• аёллар тиббий халати;
• эркаклар тиббий халати;
• эркаклар иш халати;
• ошпазлар курткаси;
• ошпазлар бош кийими;
• ички кийимлар;
• қўлқоплар,
шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар.

Кўрпа-ёстиқ буюмлари:
• кўрпа жилдлари;
• чойшаблар;
• турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари;
шунингдек:
• дастурхонлар;
• дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
• ип газламали салфетка;
• 85х50 ўлчамдаги сочиқлар.

Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган
МР-3 русумли
ЭЛЕКТРОДЛАР

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Web site: UZBEKISTON.h1.ru

5300/138

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувэнерго» ихтисослашган бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори Ҳикматилла Лутфуллаевга волидаи муҳтарамаси

**МУҲАРРАМ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, геология ва минералогия фанлари доктори, академик

**Иброҳим ҲАМРОБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси жамоаси «Ахборот» бош муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси Абдужалол Давроновга акаси

**Абдушукур ДАВРОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздонмаҳсулот» корпорацияси бошқаруви Давлат дон инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бош дон инспектори

**Шамшетдин МУХАММЕТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва Биология-тупроқшунослик факультети жамоаси тупроқшунослик кафедрасининг мудири, профессор Л. Турсуновга волидаи муҳтарамаси

**Иболат ая ГАЙБИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА В. И. Романовский номидаги Математика институти жамоаси институтнинг бўлим мудири, физика-математика фанлари доктори Х. Шодиметовга укаси

**Муҳсин ШОДИМЕТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 677, 28078 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАЖАБОВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6